



ТЕНГИЗХОН ИБН МЕНГЛИХОН ИБН ЮЛДУЗХОН ИБН ОЙХОН ИБН ЎГУЗХОН ИБН
КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН
ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУХ
АЛЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тенгизхон салтанат ишларига мутасадди бўлгач, бобоси ва отаси йўригидан четга
чикмади. 110 йил Мўғулистонда хонлик сарири ва жахонбонлик тахтида ўлтирди.
Кексайиб, нотавон бўлгач, ўгли Элхонники, одил ва комил псдшоҳ ва шавкат соҳиби эди,
ўз ўрнигатайинлади. Ўзи узлат гўшасига жўнади. Колган умрини гафлат айёмининг
узрхоҳлиги ва колганининг тадорикйни куллик жодасида ўтказмокка тутинди. Ажали
якинлашганда барчадан розичилик ва хушлик тилаб, окибат чамани томон равона бўлди.

ЭЛХОН ИБН ТЕНГИЗХОН ИБН МЕНГЛИХОН ИБН ЮЛДУЗХОН ИБН ОЙХОН ИБН
ЎГУЗХОН ИБН КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН
ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФ/АС ИБН НУХ
АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХЛИГИ ЗИКРИ

Таърих фани арбоблари китобларида зикр этилмиш ва битилмишки, Элхон ўта халим ва
комкор подшоҳ, карамли ва матонатли коон эди. Айтадиларки, Элхон давлати замонида
унинг иккинчи ўгли бўлган шох Офаридун Тур ибн Фаридунни саноксиз лашкару улкан,
хисобсиз сипоҳ билан Мовароуннахр ва Туркистон заминга жўнатди. Тур ибн Фаридун
Жайхундан ўтиб, Мовароуннахрга етди ва ул ерда туриб колмай, Туркистон диёрига

отланди. Севинчхонки, Тотор маликларининг саккизинчиси эди, фурсатни ганимат хисоблаб, ўч олмок бўлди. Ўгузхоннинг ўзаро муносабатла-ридаги ҳам иллатликдан Тур ибн Фаридун билан ошнолик пайдо килганди. Тур ибн Фаридун билан Элхон Мўгул подшохи ўртасида (в. 25 а) мухолифлик пайдо бўлди. Тур ибн Фаридун Тотор хони Севинчхон билан иттифокликда Элхон мўгулнинг элу улуси устига юриш килганди.

ТУР ИБН ФАРИДУН БИЛАН ЭЛХОН ИБН ТЕНГИЗХОН МЎГУЛ ЎРТАСИДАГИ ЖАНГ ЗИКРИ

Тур ибн Фаридун Элхон устига лашкар тортганда мўгул кавмлари Элхондан хушдил ва худшуд бўлганлик-ларидан у билан мардона жанг килдилар. Туркларнинг, уйгуру тоторларнинг кўпчилигини катл этдилар. Шу аснода Тур ибн Фаридун билан Севинчхон тотор хийла ишлатиб, коча бошладилар.

Сўнг кайтиб, икки фарсанг мўгулларга якинлашиб тўхтадилар. Иккинчи куни гафлатда кўйиб мўгуллар устига ёпирилдилар. Назм (мазмун):

Карнай ноласи хурушга келди. Рўйин (биринжий) нойу рўйин ногора. Замин отлар наълидан жўшга келиб, тиглару хуруш унга кўшилди.

Алкисса, хазрати вожибул-вужуд такдири билан Элхон ва мўгул халки устидан голиб келдилар. Мўгул халки еган тузларини халоллаш йўлида ўша куни шу даражада жаҳд билан жанг килдиларки, барчалари халок бўлдилар. Айтишлардаа, Каён-ибн Элхон ва унинг асранди ўгли Нукуз, икки аёл, шу иккисининг хамширасидан ташкари бошка бирор киши бу жангдан тирик колмади. Бу воқеа, айтишларича, Ўгузхондан минг йил ўтгач, содир бўлган. Баъзиларнинг ривоятича мағлубият жанги пайтида кирк нафар киз бир тарафга караб кочиб кетганлар. Ўттиз нафар йигит бошка тарафга қрчишган. Ўша кирк нафар • киз наслидан кирккизлар пайдо бўлган. Ўттиз ўгил наслидан ўттиз ўгул. Алахдат алоар-ровий;

Каён ва Нукуз хотинлари билан бирга ўзларининг ўлдирган одамлари орасида колдирилдилар. Куёш ботиб, жанг бўлган жойда кош корайганда ўринларидан туриб, ае

ир олинганлар отлари уларга яраб колди, миндилар ва кона бошладилар. Тонг чогида тўртталаеи бир жойга етишдилар; Назм (мазмун):

Канчалар тоғлар бир-бирига уланган бўлади, уларга кириш йўли банддир. Бир тоғ хайкалдек ажралиб турарди. Гўё фалакдан ажралган парча дейсан. Тишини худо шундай яратган эди. Ичи эса жаннатдек суву ўт-ўланга бой эди. Бир ер эдики, осмондан афзал. Лекин йўли тоғу камарлар билан беркитилгаиди.

Хар тўрт нафари тонг ёришгач, у ерга етганларида жон хавлида захмату машаккат билан ўзларини унга ташладилар. Ўша жойда ўтлок бўлиб, суву ўт-ўлан ва чашмалар, дарахтлар мўл-кўл эди. Ўша ноҳияни айланиб чикиб, бир калъага ўхшаш баланд тоғни кўрдилар. Ўша тоғ этагига бордилар. Ул тоғнииг* зохири тоғ тошидан бўлиб, тоғ ичкариси мевали дарахтларга, овладиган хайвонларга мўл эди. Турклар бу тоғнипг номини Арканакун дерлар. Яъми Туид Камар дегаии.

Алқисса, кўп машаккат билан хар тўртови ўша тоғ тепасига чикдилар. Ўзларини у тоғдан пастга олдилар. Шу ерда макон курдилар. Бир неча муддат шу алпозда кунлар ўтди. Молу фарзандлари, асбобу чорваларини жамлаб кўпайтирдилар. Улар наслидан бир неча шўъба вужудга келди. Хар шўъбадан кабилалар пайдо бўлди. Назм (мазмун):

Ўша жойда узок йиллар қолиб кетишди. Шу орада асбоб-ускуна, фарзандлар, мол-хол хосил бўлди. Наслла-ридан жуда кўп шўъбалар вужудга келгач, улардан кабилалар пайдо бўлди.

Хар кабиланинг ўз исми муайян бўлди. Бу кабила-лардан Каён наслидан хосил бўлганини киёт дейишади. Нукуз наслидан пайдо бўлган кабилани дарлакин деб атайдилар.

БУГУНГИ КУНДА РУС ВА ЗАНГ МАМЛАКАТЛАРИДА ХУНКОР НОМИ БИЛАН ШУХРАТ
ТОПГАН ОЛИ УСМОН СУЛТОНЛАРИНИНГ АЖДОДЛАРИ БАЁНИ ЗИКРИДАКИ,
ЎГУЗХОН НАСЛИДАН ХИСОБЛАЙДИЛАР

Тарих ва хабарлар мухаккиклари наздида шул му-каррарки, Ўгузхон Султон

Усмонхоннинг ўн бешинчи бобосидир. У охириги султонлардан бўлиб, Чин ибн Ёфас алайхиссалом авлодларидандир. Юкорида мазкур бўлган Ўгузхон кадимги бобоси бўлиб, Турк ибн Ёфас алай-хиссалом авлодидандир. Усмонхон аجدодлари исмлари Хазрати Ёфас алайхиссаломгача тубандагича тартибда-дир:

Усмонхон ибн Эртўгрул ибн Сулаймонхон ибн Киё Алпхон ибн Кизил бугохон ибн Бойиндурхон ибн Ойкут-лугхон ибн Тургорхон ибн Тўктемурхон ибн Босукхон ибн Кўк албхон ибн Ўгузхон ибн Бойсубхон ибн Ялвожхон ибн Бойбукхон ибн Тўгрулхон ибн Ойтугмишхон (в. 26 а) ибн Кужангхон ибн Ортукхон ибн Касорихон ибн Бектемирхон ибн Туримхон ибн Ямоқхон ибн Кизил бўгохон ибн Ямоқхон ибн Бошбўгохон ибн Тўгрулхон ибн Койихон ибн Жамумхон ибн Бойсурхон ибн Тугралхон ибн Севинчхон ибн Куртилмишхон ибн Жорсугохон ибн Карожорхон ибн Бойчукхон ибн Амудхон ибн Кумошхон ибн Кораўглонхон ибн Сулаймонхон ибн Курчулхон ибн Кўрбугон ибн Бойтемурхон ибн Куйхон ибн Макри Юманишхон ибн Макри Куйхон ибн Мочинхон ибн Ёфас алайхиссалом ибн Нух алайхиссалом.

Оли Усмон султонлари аждоди баёни шундан иборатки, 55 воситадан кейин хазрати Нух алайхиссаломга етадилар. Ал илму индоллохи валахда ало ар-рови.

АРКАНАКУН ТОГИДАН КИЁТ ВА ДАРЛАКИН КАВМИНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШИ ЗИКРИ

Киёт ва дарлакин кабила ва кавмлари кўпайгач, Арканакун макоми уларга танглик кила бошлади. Ташкари-га чикишга ҳаракат килдилар. Улар бу ердан чикмокчи бўлган чокларида тогнинг бир қисми темир маъданидан эканлигидан йўл-йўл килиб олинди. Барча кавм тўпланишиб, жуда кўп ўтин ва кўмир тўда килдилар. Кийик, Оху терисидан тўккиз юз дам ясадилар. Хар бири эллик ман келадиган кўмир оташини ёқдилар ва дамларни ишга солдилар. Назм (мазмуни).

Ўзларидаги ўтга дам бердилар, у кўк чархини корайтириб юборди. Олов кучая боргач, тобига келди ва дархол темир сувдек ока бошлади.

Кўп ҳаракатлар билан тогнинг баъзи жойларини эритиб, йўл очдилар ва ташкари чикцилар. У ердан кўчиб яна Мўгул диёригаки, або ва аждодлари ватани эди, кириб келдилар. Уларнинг асл ватанларига кириб олиб, эгалла-ган тотор ва бошка кавмлар

билан жанг киддилар. Ул мавзеларни уларнинг кўлидан озод килдилар. Ўз ерлари-ни эгаллагач, ташкарида колган бир гурух Хитойга бориб, жойлашган эдилар.. Улар бу ердан чикиб, мўгул элига келиб кўшилдилар. Аммо мўгул халки шу икки наслдан бошқасини эътиборга олмайдилар. Назм (мазмуни):

Мўгуллар наздида шу нарса аниқки, икки кавмнинг келиб чиқиши айна шу тартибдадир. Ўзини айланма йўллар билан уларга нисбат берувчилар эътиборга олинмай-ди.

Тарих китобларида Мўгул замини худуди ва томонла-ри муайян килинганидек, куйидагичадир: унинг шаркий чегараси Чину Хитой оралиги сарҳадига етади. Чунонки, жанубда шаркий сарҳади Чин гарби-шимолий чегараси охиригача, шимолда шаркий сарҳади Хитой шарки-жануби чегараси охирига ва Мўгул замини гарбий чегараси уйгур заминигача, шимоли Коракурум ва Салангой заминигача ва жануби то Тибатга етади.

Айтадиларки, уларнинг ов ва минилмайдиган хайвонлар гўшtidан бошқа овкати йўқ. Зеро, ул диёрда экин экилмай-ди. Ул халkning барчаси молдор бўлганидан экин экилади-ган ерларда мол боқиш мушкулдир. Агар ахёнан экин экил-са, ёки экин ери бўлса, уни ҳисобга ва эътиборга олмайди-лар. Улар либосининг аксари вахший ва уй хайвонлари тери-сидандир. Чунонки, Синжоб, Самур, Кокум, Олтойи ва бун-дан ташкари уларнинг киймати оламда маълумдир.

КАЁН НАСЛИДАН БЎЛГАН ЮЛДУЗХОН ИБН МЕНГЛИХОЖАХОН ИБН ТЕМУРТОШХОН ДОСТОНИ ЗИКРИ

Каён ибн Элхон ибн Тенгизхон ибн Менглихон ибн Юлдузхон ибн Ойхон ибн Ўғузхон ибн Корахон ибн Мўгулхон ибн Алмужаннахон ибн Куякхон ибн Дибад-куйхон ибн Абулчакхон ибн Туркхон ибн Ёфас ибн Нук алайхиссалом наслидан Юлдузхон ибн Менглихожахон ибн Темуртош мўгул ҳокими ва пешвоси бўлди. Мўгул элу улусини хусни тадбири билан маъмур килди. Хар тарафга тиркираган ва бехонумон мўгулларни жамлади. Шу са-бабдан унинг иши юришди ва мўгуллар наздида хар кимки Каён насаби ва наслига оид бўлса, унга эътибор кўрсатди. Зеро, Каён наслининг мўгул авлоди эканлигига ҳеч ким шак-шубҳа килмайди. Бошқалар назарида «яхтама-лас-сидк валлахи рабо»дир. Нима нажибу саҳих бўлди. Каён авлоди мўгулга доир бўлди.

Хар йил улар аждоди Арганақун тогига ўт қўйиб, (в. 27 а) дам қўйиб, унинг тошларини эритиб, темир олганлар, ўзлари эса у ердан чиқиб кетган эдилар. Ул кавмининг аксари батамом кетиб, тошларни эритардилар ва темир ҳосил қилардилар ва тоғ йўлини келиб-кетиш учун очиб қўйдилар. Ўша диёрда яшайдиган халқлар бугунги кунда хар йили ўша ерда жамъ бўладилар. Назм (мазмун):

Темирчилик асбобларидан дам, олов, қўмир, огир болга келтириб, то кизиганча ва юмшагунча урадилар.. Кизиган тошдан оташ ёрдамида темир оладилар. Ўша кечаси барчаси айшу ишрат қиладилар. Худога зорланиб илтижо қиладилар. Мехтарлик йўлини тутганлари темирчиликни касб қилмоғи лозим. Олов дамидан тошни ўтқазиб, темир ҳосил қила оладилар. Темир қўпайгач, жанг ва шикор асбобларини ясайдилар. Мўғулнинг одату йўли шулдирки, яхшилар расму русумини тутгайлар.

КАЁН ИБН ЭЛХОН НАСЛИДАН БЎЛГАН БУЗАНЖАРХОН ИБН АЛАНКУВА БИНТИ

ЧУМАНАХОН ИБН ЮЛДУЗХОН ИБН МЕНГЛИХОЖАХОН ИБН ТЕМУРТОШХОН
ДАВЛАТИ ЗУХУРИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШ КАЙФИЯТИ ЗИКРИ

Бузанжар Аланкуванинг ўғлидир. Аланкува Чўйма-наҳон ибн Юлдузхоннинг кизидир. Курлос эли ва Киёт кавмидан. Туркларнинг тарих китобларида закий таҳқиқ-ларда зикр ва мастур қилинганки, Юлдузхон фано мағрибида гуруб этди. Ундан икки ўғил қолди. Бирининг номи Уйманаҳон, иккинчисининг номи Чўйманаҳон. Уйма-наҳондан бир ўғил тугилди, исми Дибун Баён. Чўймана-хондан бир киз адам мулкидан қадам юзига етишдики, хусни ҳасани қамоли аҳсаниятга, хусн аҳсанга ҳавоҳох чехралари-га ва руҳсори партавидан офтоб нуրёб ой монанд ва у ҳам хушид ичидаги билан, осмон манзари тизи Аланкувага Назм (мазмун):

Аланкува хусни бехтарлигини у замон Парвинию Ойи қўрмаган. Келиб чиқиши Курлос кавмидан, чехраси ойдек, турар жойи баландда. Ўзаллиги шу даражада эдики, қўрганлар хайрат бармоғини тишларди. Лаблари

сўзга келганда сўзлаётган жонга, юзи сафоликда қўз ўнгингиздаги руҳга айланарди. Икки хиндуси бир-бирига ноошно, икки чашми фитна, сеҳру уйкуга тўла. Гули сумбулдан тароват олган. Сумбули гулдан зиёнат топан. Юзини қўрган хар киши, илохий вужуд

деярди уни. Комати олдида сарв турган жойида котиб коларди. Ултиролмади ҳам оёкда коларди. Исмат (покизалик, бокиралик) да дунёда навбахор айёмидаги гунча рангига ўхшарди. Бошликлар Аланкува оёги тупроги бўларди-лар. Ундан илхом олиб наво килардилар. Етти осмоннинг яратувчиси тангри такдири Аланкувани Дибун Баённинг жуфти халоли этди. Чуймана гулшанидаги гул эди, уймана жўжаси унинг булбули бўлди.

Аланкува ёши ўн тўртга етганда ўн тўрт тун ойи (кунлик) унинг рухсораси аксидан тоб оларди. Гули сурий вараклари барглари равшан пешонаси исматойин терлари мавжи рангидан сув ичарди. Байт (мазмун): Сардорлар боши унинг висоли хавосининг барбоди, шахриёрлар думог пардаси унинг хаёли накшидан тўла (мусаввар). Мукаддар дорулказо козиси хукми. казову кадар гувоҳлигида ул юлдуз кизлар (иштирокида) ой бокира ўз амакисининг ўгли, ўшанда мўгуллар сардори ва хокими Дибун Баён ибн Уймана ибн Юлдузхон никохи шодасига мунтазам бўлди. Дибун Баён хиймаси Аланкува висоли жамолидан тўлин ой холасидек мунаввар бўлгандан кейин, Аланкува Дибун Баёндан икки ўгил кўрди. Бирига Билкадо деб ном берди. Иккинчисига Билжадо. Улар никохидан уч йил муддат ўтгач, Дибун Баён вафот этди. Аланкува сийба колди. Дибун Баён вафотидан кейин Аланкува Дибун Баён ҳукумати коидалари дастурига мувофик мўгул кавму кабиласининг меҳтари ва элу улус сардори бўлди. Бу салтанат хангомида аксар ва кўпроқ мазкур ўгилларини парвариш ва тарбия қилиш билан машғул бўлди. Дибун Баён вафотидан етти йил ўтгандан кейин кечаларнинг бирида (в. 28 а) Дибун Баённинг қадим муҳаббат савдоси Аланкува дилидан қайнаб тошди, унинг фирок шиддатининг харорати Аланкува димоги қалъасидан қўқ томон ўрлади. Жисму чашмида орому уйку ўрни қолмади. Дибун Баён хижрони оташи иссиғида ўзининг истирохат бистарида ул хиргоҳ тўлин ойи балиқдек (тўлғониб), меҳвар офтобидек юзи қабобдек қизиб, гирёну бирён бўла бошлади. У ёнидан бу ёнига ағдарилар, қўзи Қорачуги нигохи беморлик ёстиғидаги бошга бош қўйиб, шаҳар кезиш иштиёқи асосига сеҳр қилиб, гоҳ-гоҳ хона тобадони томон боқар, гоҳи хона шифтига нигоҳ қадаб, гоҳида «Келакол, Дибун Баён!» дея ох чекарди. Баногоҳ, хиргоҳ туйнугидан бир нур тўлин ой партавидек нозил бўлиб, хонани тамоман равшан ва мунаввар қилди. Аланкувага яқин қелиб, ул моҳлико суратидек мусаввар бўлди ва Аланкува туши хонасига қирди. Ул бону ва ифбат хижланешинига

интилди. Уни пардайи исма

т

ост

идан чиқариб, Аланкува бирла суҳбат қурди. Аланкува унга тан бермасликка, ўзини унинг қўлидан халос қилишга харчанд уринмасин, муяссар бўла олмади. Нихоний сўҳбат туга-гандан кейин Алданкува қараса ул нурли мусаввар йигит рангсиз бир бедана суратига қириб, хона эшигидан ташқари чиқиб кетди. Ўша ондан бошлаб муайян муддатгача хар кеча шу тартибда қелиб Алданкува билан ҳамсуҳбат бўлди. Алданкувада пинхоний

суҳбатлардан

кетма-кет

саргаронлик юз берди. Хомилали бўлди. Бу хомиладан қуту-лишнинг ҳеч бир имконини топа олмади. Уни пинхон тутиш

имкони

ҳам

бўлмади.

Окибатуламр,

Аланкува хомиладорлиги тогораси томдан тушди. Одамлар, кавму хешлар унинг корнида боласи борлигидан хабардор бўли-шиб, лаънат тилини Алданкува таъни учун'очиби, ўлдирш ва маломат билан таҳдид солдилар. Охири, Аланкува ночор холда мўгул акобир (в. 28 б) ва ашрофларини жамъ килиб уларнинг барчасини хотирини жаъм килмок ниятида изох бермок билан ўз зиммасидан сокит килмокка киришди ва ўзи билан бўлган воқеанинг хақиқатини бирма-бир, кандай бўлган бўлса шундай сўзлаб берди. «Бу воқеа хусусида дилингизда дагдага ўрин олган бўлса, бир неча кун кечаси хиргохим атрофида бўлинг. Токи бу яширин сир «кашшамс филажо вал-бадри физ-захо» («кўз ўнгингизда равшан ва хувайдо бўлур»). Йигилган кабилалар аъёнлари ва мўгул зодагонлари Аланкува сўзи чин ёки ёлгонлигини маълум килмок касдида уч-тўрт кеча кузатдилар. Ул жамоанинг хар бири мушоҳадасига шу нарса аён бўлдики, ўн тўрт кунлик тўлин ой равшанлигига ўхшаган бир нур хар кечаси хиргох хонаси туйнугидан кириб, васфини Аланкувадан эшитганларидек бир суратда муайян кўрдиларки, одамлар шаклига кириб

ёстикдошлик

киларди.

Кейин

хуруж хангоми тугаши билан бедана суратига кириб, эшикдан чикиб кетарди.

Бу манзарани

мушоҳада этганларидан кейин догдага килганлари хотирга келиб, хижолат терига ботдилар. Маслахат килдиларки, агар минбаъд одатдаги-дек келса, ўша ахволда уни ким кўрса, хиргох ноҳиясида мунтазир турганлар, хуруж пайтида кўлидаги дашна ёки тиг билан ўша нур суратидаги одамни захмдор килиб, уришлари лозим. Кундуз султони мағриб хилватхонасига нузул этиб, тўлин ой миршаби равшан машъалини машрик пойтуғида ёкиб, юлдуз кандилларини даврон Кахкашони ипига ўнгу сўлда осганда, кечадан бир пас ўтган эдики, ўша мазкур нур одатий йўли билан, хар кечаги одатича хиргох хонаси туйнугидан тунги кийимда-ги ул сиймин габгаб тўлин ой ёнига кўнди ва хар тунгидек хузурбахш суҳбат тузишга киришди. Халиги жамоанинг токати ток бўлди ва айни суҳбат кизиган чоғда адоват ханжарларини хамият кинидан чиқариб, дуд зулматидек ўзлари кўрган вужуди нурга хужум килдилар. Харбири-нинг кўлидаги дашна нуки (в. 29 а) ва тиги ул шахс аъзосининг хар узвига ўлдирмок касдида санчилди. Шу ҳолатда ўша одамлар наздида муайян бўлдики, ул шахснинг хар бир аъзосига тортилган тигдан ўзларини мажрух кўрдилар ва шу фурсатда бу суратдан ожиз бўлдилар, кўлларини ул суратдан тортдилар. Ул жамоанинг барчаси коронгу кечадаги бул ажойиб воқеа хайрати девор накшидек махв этди. Нуроний ул шахс ўша вақт зулматида суҳбатдан форуғ бўлди, бедана суратига кириб хиргох эшигидан чикиб кочди. Эл акобирлари ва улус ашрофлари ўз кирдикорлари-дан барчаси маъюс бўлиб, шунда ул сохибжамол бону сўзларининг чинлиги манзур нуриддек равшан ва нуроний бўлди. Бадгўйларнинг таъна тиллари огизлари комида хомуш пусиб колди. Бу кисса мазмунини хар ким ўз акли даражасига кисман фахмлади, ўз матлубини бир навъ тушунди. Пурфитна гулгула то киёмат киёмигача бу уммат орасида мажхуллхақиқатлигича колди. Назм (мазмуни):

Бу яширин сир халкка ошкор бўлгач, унинг таъна тиллари ҳаракатга келди. Лекин, замонлар улуси орасида бу воқеадан фитналар зоҳир бўлди. Бу гапдан улус орасидан оқиллар бош кўтарди. Бу сир фош бўлган кечадан бошлаб ҳалойик ўртасида гап-сўз кўпайди. Бири деди: девор бўлмас бегубор, одам унинг бу ҳолатидан пурсамар. Яна бири деди: руҳоний шахсдир. Жисми шаклларида ул ердан жой олмаган. Бири деди: малакдан бошқа зод эрмас бундай ҳолати ва кўриниши шубҳа-сиздир. Бири деди: бу бир гуруҳ кишиларнинг ишидир. Кўриниши сифатининг яхшилигидандир. Бири деди: пок нури бор бўлсин. У тупрокдан сизиб чиққан сув каби. Унинг ҳасис палид жисмлари шундай ўқилди. Улуглик аслига олиб келинди. Бири деди: бу бир мутлак шуъладир. У ҳақ нурига йўғрилгандир. Марям хикоятларини эшитгудек бўлсанг, Аланкувага ҳам шундай тақдир берасан. Бири деди: кимдан хабар берурсан, ки Аланкува Марямга ўхшабдир. Пайгамбарлардан инсонлар фаҳри бўлганларга Одам ато замонидан бирор хабар келиб етмаганки, Марямдан бўлак оллоҳ руҳидан хомиладор бўлган бирор аёл ўтмаган. Марямга Аланкувани киёс этмагин, эй ўғил; агар ҳақшунос бўлсанг. Лекин, шуни билгилки, буларнинг қай бири жинсияти ва униси бу мўъжизага якин бўлди. Шу байт билан сўзни қиска қилурман. Тангрига ҳавола қилурмиз. Иш сирридан ҳақдан бўлак ким ҳам воқиф бўларди. Кел, ҳақ сиррини унинг ўзига қўйиб қўй. Одам тили узундан-узок сўзлардан бу қавму элни, нималарга гирифтор қилмади. Бу тўданинг ўзи бешинчи йўли эди. Уни учинчи эътикод этиб кўрсатдилар. Улуснинг эру аёл, каттаю қичиги Аланкува-га бош эгиб желдилар. Алқисса .қавм иштибоҳи ўринсиз эканлиги аниқлангач, таъна қилувчилар тили тийилгандан кейин Аланкува хомиласи муддати етишди. Бир қориндан уч ўғил адам оламидан вужуд оламига қадам қўйишди. Биринчи ўғилни Буркун (баъзилар Бўртак ҳам деганлар) деб аташди, иккинчи ўғилга Бусунгур, учинчи Бузанжар деб ном бердилар. Дейдиларки, бу уч авлоднинг тугилиши хижрат-дан кейинги 115-санада эди. Ўша йили қирони улуввин бўлди. Яъни Амир Абумуслим Марвазий хуружи шу йилда содир бўлди. Таворих аҳли бу табақа маликларининг аввали Бузанжарни соҳибқирон деб атайдилар. Дейдиларки, Бур-қундан икки ўғил тугилган. Бирининг номики Кабақай деб атаганларки, қабокин қавми унинг наслдандир. Бошқасига Каттагон деб ном берганларки, катагон қавми ундан. Бусунгурдан икки ўғил тугилган. Бирининг номи Собихи дейишганки, мўғул қавмининг падари қалонидир. Иккинчи-сини Солжиёт деганларки, салжиёт қавми унга мансубдир. Бузанжар икки ўғил кўрган. Бирининг номи Буко бўлиб, тамомн Туркистон замин султонларининг бобосидир. Ик-кинчисининг Номини Тўкто деб аташган. Нуроний шахс пуштидан тугилган, Аланкувага нисбатан бор авлодни найирун деб атайдилар. Нисбати Аланкувага бўлиб Дибун Баён пуштидан бўлган насллари дулкан деб аташган. Ўлар аждоди Уйманахонга бориб тақалгани сабабидан Дулкан авлодини ўймоут дейишган. Таворих арбоби таҳрир қилган-ларки, бу уч ота Аланкуводан тугилганлари сабабидан, ўша пайтдаги ҳуқомлар жамъ бўлишиб, улар тугилиши муддати толеъини мулоҳаза қилганлар ва ҳуқм чиқарганларки, бу авлоднинг ҳарбиридан жуда кўп фарзандлар тугилажак ва уларнинг аксари ва кўпчилиги (В 30 а) муаззиз ва муқаррам бўлурлар. Хусусан, учинчи ўғил толеъи моддасидаки, уни Бузанжар дейишган, давр соҳибқирони деб ҳуқм чиқаришган. Айтадиларки, Бузанжар андак замон ичида жамеъи акрону ақраболарининг улуги, эътиборлиеи бўлиб олган. У ўз билегининг зўри ва қуввати билан салтанат тахтини эгаллайди. Мўғул қавмининг барча саркашларини ўз итоати сардарахтидан ўтказиб, барча турк ҳоконлари унга бандалик ҳалқасини жон қулоқларига тақиб юрдилар. Ҳаётдиги чоғида ҳоконлик тожини бошидан қўймади, токи ўлмас ҳоконлик саририда мутамаққиндир. Адам йўли сафарини ихтиёр

этгандан кейин авлоди ва уругдошлари оламга шохлик
ногорасини
чалиб,
салтанатдорликнинг борлик яловини бошда кўтардиларки, олам инкирозигача хон,
султон ва подшоҳ бўлсалар. Шунингдек, тарих китобларида зикр ва мансур этилганки,
биргина Аланкуво корнидан тугилган уч ўғилнинг ҳар қайсисининг ўз ялови бўларди.
Лекин Буркун билан Бусунгур иккисининг ялови кулоқларигача тушиб турарди. Бузанжар
ялови унинг боши фаркига ўғри келарди. Бу якин шунини аломатидан эдики, ўша аср
мунажжимлари
унинг
салтанатини
кўрсатган
эдилар. Бузанжарнинг бошқача аломати бор эди. Эмизикли чакалоқлиги
чоғида
уни
оркасини
ерга
килиб
ётқизганларида, кўп ўтмай корнига ўғирилиб оларди. Харғиз юзини очиб ухламас эди. Бу
ҳам унинг бир соҳибқиронлигининг аломатларидан, таҳамтанлик белгиси деб
ҳисобладилар. Шунингдек, баъзи тарих китобларида зикр этилишича, Бузанжар
бўйин
томирлари
жуда
якин
эдики,
ғояти яқинлигидан ўнгу сўлга гавдасини ҳаракатга келтирмай қарай
олмасди.
Одамлар
унинг
гарданини
бир
лаҳза шундай гумон қилдиларки, Бузанжар қоннинг суяқлари қўшилиб кетган эди. Хар
икки аломатини таҳамтанлик белгиларидан сўнар эдилар. Яна ўша давр мунажжимлари
айтган эдиларки, парчам Бузанжар боши фаркига тўғри қелиши салтанатидан, Буркун
ва Бусунгур парчамининг улар баногўшига тўғри қелиши уларнинг хизматкор бўлишига
далолатдир. Бу икки биродарнинг авлоди Бузанжар авлоди хизматиға нисбатан итоат
қамарини боғлаб, салтанат қонунларига бўйин эғажаклар (в.
30
б)

давоми бор...

[1](#) , [2](#) , [3](#) , [4](#) , [5](#)